

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КИМ ОЛГА ВЛАДИСЛАВОВНА

**ВЕРТЕБРО-БАЗИЛЯР ЕТИШМОВЧИЛИК БИЛАН ОҒРИГАН
БЕМОРЛАРДА ВЕНОЗ ҚОН АЙЛАНИШИ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ВА НЕЙРОФИЗИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy(PhD)

Ким Ольга Владиславовна

Вертебро-базилляр етишмовчилик билан оғриган беморларда веноз кон айланиши бузилишларининг клиник-патогенетик ва нейрофизиологик хусусиятлари 3

Ким Ольга Владиславовна

Клинико-патогенетические и нейрофизиологические особенности нарушений венозного кровообращения у больных с вертебро-базиллярной недостаточностью..... 25

Kim Olga Vladislavovna

Clinical-pathogenetic and neyrophysiological features of venous blood circulation disorders in patients with vertebrobasilary insufficiency..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КИМ ОЛГА ВЛАДИСЛАВОВНА

**ВЕРТЕБРО-БАЗИЛЯР ЕТИШМОВЧИЛИК БИЛАН ОҒРИГАН
БЕМОРЛАРДА ВЕНОЗ ҚОН АЙЛАНИШИ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ВА НЕЙРОФИЗИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib920 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.tipme.uz>) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маджидова Якутхон Набиевна
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мирджураев Элбек Миршавкатович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Туруспекова Сауле Тлеубергеновна
Тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозоғистон)

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация химояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «11» феврал соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (109 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Мирзо Улугбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2022 йил «9» феврал кuni таркатилди.
(2022 йил «9» феврал даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Х.А. Акилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда бутун дунёда цереброваскуляр касалликларнинг ўткир ва сурункали шаклларида жиддий ўсиш кузатилмоқда, бу эса уларни замонавий тиббий ва ижтимоий муаммога айлантирмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра, «...инсулт, умумий ўлим кўрсаткичининг 11% бўлиб, ўлим сабабларининг рўйхатида 2 ўринни эгаллайди, ишга яроқсизликнинг сабаблари орасида ногиронлик 3 ўринни эгаллаган»¹. ВБТда мия қон айланишининг ўткинчи бузилишларининг 70% га яқинини ташкил этади. Шу сабабли вертебро-базиляр етишмовчилиги бор беморларда бош мия веноз қон айланиши бузилишларининг клиник-неврологик ва нейрофизиологик хусусиятларини ташхислаш орқали самарали даволаш тартибини такомиллаштириш неврологиянинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда вертебро-базиляр етишмовчилиги мавжуд беморларда бош мия веноз қон айланиши бузилишларининг клиник-неврологик ва нейрофизиологик хусусиятларини оптималлаштириш ва самарали даволаш тартибини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бу борада бош мия веноз қон айланиши бузилиши ривожланишининг аҳамиятли хавф омилларини, клиник-неврологик, нейрофизиологик кўрсаткичлари, веноз қон айланиши бузилишларининг ривожланишида доплерографик (Розентал базал, умуртқа ва ички бўйинтуруқ веналарнинг пулсативлик индекси, диаметри ва қон оқимининг максимал тезлиги) ва магнит резонанс томография (қоринча тизими ва субарахноидал бўшлиқларнинг хусусияти) таҳлилинини ўтказиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Вертебро-базиляр етишмовчилиги билан хасталанган беморларда бош мия веноз қон айланиши бузилишларининг тўр парда ангиопатиясининг мавжудлиги аҳамиятини баҳолаш ва венотоник терапияни такомиллаштириш орқали даволашнинг самарали тартибини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...юқумли бўлмаган касалликлар ривожланиш омилларини, шу жумладан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида хавф остидаги гуруҳга кирадиган беморлар орасида диспансеризация ва скрининг-тадқиқотларни, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини жорий этиш, реабилитация тиббиётини ривожлантириш, «уйда стационар» хизматини кенгайтириш орқали эрта аниқлаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан

¹World Health Organization WHO 2019. URL: <http://www.who.int/bulletin/volumes/96/ru/>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590 сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

ҳолда веноз қон айланишининг клинико-патогенетик ва нейрофизиологик хусусиятларининг аниқ диагностикаси, беморларни эффектив даволаш самарадорлигини оширишни ишлаб чиқиш, цереброваскуляр касалликлар асоратини камайтириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон “Шошилиш тиббий ёрдам фойда тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 30 августдаги ПҚ–3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Вертебро-базилляр етишмовчилик – бу умуртқа ва асосий артериялар томонидан озиқланадиган мия ҳудудларининг қон билан таъминланиши бузилиши натижасида ривожланадиган синдром. Чет эл манбаларида, кўшимча равишда “калла орқа чуқурчасида қон айланиш етишмовчилиги” термини ишлатилади (posterior circulation ischemia) (Caplan L., 2000). Цереброваскуляр тизимнинг физиологияси ва патологияси муаммоларига бағишланган илмий ишларнинг аксарияти, биринчи навбатда, артериал ҳавзанинг бузилишлари билан боғлиқ.

Мия веноз қон оқимини ўрганиш ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида, сурункали цереброспинал веноз етишмовчилик (СЦВЕ) атамаси киритилганда бошланган, ва бу тадқиқотлар кўпинча тарқоқ склерознинг патогенетик бўғини сифатида веноз етишмовчилик роли баҳоланган (Zamboni P., 2009; Chukanova E.I., 2018). Шунингдек, транзитор глобал амнезия ва ўтиб кетувчи моноклеар кўрликнинг ривожланишида ички бўйинтуруқ венаси клапаннинг (ИБВК) етишмовчилиги роли ҳам кўрсатилган (Chung C.P., 2007; Doerr F., 2008; Hsu H.Y., 2008).

Яна бир муҳим изланишлардан веноз қон айланишининг бош мия глимфатик тизим функциясига таъсири ҳақида бўлиб, бу тизим “периваскуляр бўшлиқларни ликвор ўтказув йўллари билан боғланган дренаж тизими” деб таърифланган ва шу билан бош мияда метаболик

маҳсулотларни элиминация қилиш функциясини бажариши келтирилган. Базилляр цистерналардан субарахноидал бўшлиққа кирган ликвор суюқлиги кейинчалик хужайралараро бўшлиққа йўналтирилади, у ерда интерстициал суюқлик (ва шунга мос равишда мия метаболик маҳсулотлари) билан аралашиб, йирик томирлар орқали веноз катта томирларига оқиб ўтиши исботланган (Piff J.J., 2012, 2014).

Сурункали мия ишемиясининг патогенезида катта таъсирларидан бири мия гемодинамикасининг веноз бузилиши бўлиб, бу иккинчи даражали гипертензив қон-томир пульс тўлқинли энцефалопатия концепцияси билан боғлиқ (Белова Л.А., 2015). Бош миянинг веноз дисциркуляциясида цереброваскуляр патология ривожланиши аниқ, ҳамда бош мия веноз дисциркуляцияси цереброваскуляр патологиясининг кўп учрайдиган шаклларида бири бўлиши аниқланган (Федин А.И., 2016, Дьяконова Е.Н., 2017). Маълумки, бош миянинг артериал ва веноз тизимлари мия қон оқимининг барқарорлиги ва етарлилигини таъминлайдиган юқори даражада ташкил этилган рефлексоген зонани ифодалайди. Веноз тизим орқали қон оқимини тартибга солиш механизмларининг фаол иштироки билан артериал қон оқими кўпайиши ёки секинлашиши мумкин (Б.Г.Гафуров, Е.В.Закирова, 2008). Бошқа омиллар билан бир қаторда веноз церебрал қон айланишининг дисбаланси мияда қон айланиш гемодинамик захирасининг камайишига таъсир кўрсатади ва бу миянинг сурункали ишемияси зўрайиши ҳамда структуравий патологиянинг тез шаклланишини келтириб чиқариши аниқланган (Назарова Ж.А., 2019).

Шундай қилиб, веноз қон айланиши туфайли келиб чиқадиган цереброваскуляр патология патогенези етарли ўрганилмаган ва диагностикаси мураккаблиги жиддий муаммо ҳисобланади, бу эса ушбу патологиянинг самарали даволаш усуллари йўқлигига сабаб бўлади, ҳамда кейинги тадқиқот-изланишларни талаб қилади, жумладан, вертебро-базилляр тизим етишмовчилиги бўлган беморларда бош мияда веноз қон айланиши бузилишининг клинко-неврологик ва нейрофизиологик хусусиятларини аниқлашга қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Асаб касалликларнинг қон-томир, яллиғланиш, дегенератив ва наслий нерв мушак касалликларнинг патогенетик хусусиятлари» мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: вертебро-базилляр етишмовчилик билан оғриган беморларда мия веноз қон айланиши бузилишларини эрта аниқлаш ва даволашни оптималлаштириш мақсадида клиник, неврологик ва нейрофизиологик хусусиятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мия веноз қон айланиши СМИ вертебро-базилляр етишмовчилик клиник симптомлари бузилиши диагнози қўйилган беморларнинг клиник-неврологик хусусиятини аниқлаш;

ВБЕ билан оғриган беморларда бўйин (артериал ва веноз) томирларини дуплекс текширув ва транскраниал доплерографиянинг аҳамиятини баҳолаш;

мия веноз дисциркуляциясининг неврологик кўринишларининг оғирлиги ва ёки нейрофизиологик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

ВБЕ билан оғриган беморларда мия веноз дисциркуляциясининг бузилишларини аниқлаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти “Ўзбекистон Темир йўллари” АЖ Марказий клиник шифохонасида ва 5 шаҳар клиник шифохонасида, шунингдек, “Нейромед-сервис” хусусий клиникасида СМИ ташҳиси қўйилган амбулатор даволанган 43 ёшдан 70 ёшгача бўлган 120 нафар беморлар ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети неврологик текширув натижалари, доплер ва магнит-резонанс томография маълумотлари ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида клиник маълумотлар, анамнез, неврологик текширув, нейрофизиологик тадқиқотлар (УЗДГ Брахицефал ўзак, мия томирларининг транскраниал доплерографияси, транскраниал веноз доплерография), невровизуал тадқиқотлар (магнит резонанс томография), нейро-офтальмологик текширув (кўз туби) каби, статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вертебро-базилляр етишмовчилик билан оғриган беморларда умуртқа венасининг оқими турғунлиги хисобига диаметри ўзгариши билан депрессия синдромининг оғирлик даражаси орасида корреляцион боғлиқлик аниқланган;

бош мия веноз қон айланиши бузилиши билан кечадиган вертебро-базилляр етишмовчилиги бор беморларда умуртқа ва базал веналарининг максимал тезлиги ҳамда мияча-дискоординатор симптомларнинг оғирлиги кучайиши аниқланган;

вертебро-базилляр етишмовчилиги ва мия веноз қон айланишининг бузилиши билан касалланган беморларда тўр парда ангиопатияси билан мияча-дискоординатор симптомларнинг оғирлик даражаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

мия веноз қон айланиши бузилган вертебро-базилляр етишмовчилиги бўлган беморларда цефалгик ва хавотирлик-депрессив синдромини даволашда транскраниал магнит стимуляциясини қўллаш самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ВБЕ билан оғриган беморларда мия веноз дисциркуляциясининг бузилишларини эрта аниқлаш ва даволаш йўллари оптималлаштириш мақсадида таклифлар ишлаб чиқилган;

вертебро-базиляр етишмовчилик билан оғриган беморларда веноз қон айланиши бузилишларининг клиник, неврологик ва нейрофизиологик мезонлари ишлаб чиқилган;

вертебро-базиляр етишмовчилик билан оғриган беморларда веноз қон айланиши бузилишларини даволаш усуллари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, неврологик, нейрофизиологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, беморларда бош мия веноз дисциркуляциясининг клиник-неврологик параллеллари ва прогностик хусусиятларини оптималлаштириш ва самарали даволаш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вертебро-базиляр етишмовчик билан оғриган беморларда мия веноз қон айланиши бузилишларининг клиник намоён бўлиши хусусиятлари ҳақида назарий билимларни чуқурлаштириш, шунингдек вертебро-базиляр етишмовчилик билан оғриган беморларда веноз дисциркуляцияни ташхислаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, терапевтик ёндашувларни такомиллаштириш ва асоратлар сонини камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти вертебро-базиляр етишмовчилик билан оғриган беморларда мия веноз қон айланишининг бузилишларини ташхислаш, даволашни оптималлаштириш ва терапевтик чора-тадбирларнинг самарадорлигини ортиб боришини веноз дисциркуляциянинг гемодинамик ҳамда неврологик оғирлигини ҳисобга олган ҳолда кейинчалик ҳаёт тарзи сифатини яхшилаш учун алгоритм ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Мия веноз дисциркуляциясида вертебро-базиляр етишмовчиликни даволаш усуллари оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

вертебро-базиляр етишмовчилиги бор беморларда мия веноз қон айланиши бузилишлари диагностика усуллари оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “Вертебро-базиляр етишмовчилик бор беморларда мия веноз қон айланиши бузилишларини ташхислашга комплекс ёндашув алгоритми” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 октябрдаги 8н-з/325-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома вертебро-базиляр етишмовчилик билан оғриган беморларга ташхис қўйиш, веноз дисциркуляциянинг дифференциал диагностикаси сифатини яхшилаш имконини берган;

транскраниал магнит стимуляцияси киритилган ҳолда вертебро-базиляр етишмовчилик билан оғриган беморларни комплекс даволаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “Транскраниал магнит стимуляцияси киритилган ҳолда вертебро-базиляр етишмовчилик билан оғриган беморларни комплекс даволаш усули” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 октябрдаги 8н-з/325-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома мия веноз қон айланиши бузилишларини даволаш усулларини эффективлигини ошириш имконини берган;

вертебро-базиляр етишмовчилик билан оғриган беморларда мия веноз қон айланиши бузилиши ташхисини яхшилаш бўйича тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Миллий ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази, Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, “NEYROMED SERVIS” МЧЖ ва Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1 клиникаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги 08-09/20113-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари вертебро-базиляр етишмовчиликни ташхислаш усулларини такомиллаштириш, касалликнинг қон томир компонентининг (артериал ва/ёки веноз) намоён бўлиш вақтини камайтириш, шунингдек, даволаниш самарадорлигини ошириш, даволаниш муддатини қисқартириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро онлайн ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан-технология тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён этилган, натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган. Шунингдек, тадқиқот

натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, иш натижаларини тасдиқлаш ва эълон қилиш, диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилади.

Диссертациянинг **“Вертебро-базиляр етишмовчилик (адабиётлар шарҳи) билан оғриган беморларда мия веноз қон айланишининг бузилиши ҳақидаги замонавий тасаввурлар (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида мия веноз қон айланишининг клиникаси, диагностикаси ва касалликларини даволаш масалалари акс эттирилган замонавий адабиёт манбалари кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди. Клиник, неврологик ва нейрофизиологик тадқиқотларга алоҳида эътибор берилади.

Диссертациясининг **“Беморларнинг умумий хусусиятлари ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида ўрганилган материал ва тадқиқот усуллари келтирилган.

Тадқиқотга 120 нафар 43 ёшдан 70 ёшгача бўлган, улардан 80 нафар бемор СМИ вертебро-базиляр етишмовчилик мияниг веноз қон айланиши бузилишининг клиник симптомлари билан, 40 нафар бемор СМИ вертебро-базиляр етишмовчилик мияниг веноз қон айланиши бузилишининг клиник симптомлари белгиларисиз диагнози қўйилган беморлар киритилган.

Ташхис тиббий ҳужжатларга кўра анамнестик маълумотларни таҳлил қилиш, неврологик ҳолатни ўрганиш натижалари, нейрофизиологик ва невровизуал тадқиқот усуллари асосида амалга оширилди. Киритиш мезонлари: вертебро-базиляр етишмовчилик билан оғриган беморлар, (халқаро касалликлар таснифида Х қайта кўриб чиқишда (ХКТ-10), ВБЕ “Вертебробазиляр артериал тизими синдроми” веноз қон айланиш етишмовчилик симптомлари (сарлавҳа G45.0)) деб юритилади.

Текширилаётган беморларнинг жинси ва ёш хусусиятлари 1 ва 2-жадвалларда келтирилган.

Жадвал 1

Беморларни жинси бўйича тақсимланиши

Туркумлар	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи	Р
Эркаклар	29 (36,2%)	14 (35,0%)	0,929
Аёллар	51 (63,7%)	26 (65,0%)	

Жадвал 2

Беморларнинг ёшга қараб тақсимланиши

Гуруҳ	Me	Q ₁ – Q ₃	n	Р
Асосий гуруҳ	61,0	54,8 – 63,0	80	0,337
Таққослаш гуруҳи	62,0	55,0 – 65,0	40	

Келтирилган маълумотлардан, текширилаётган гуруҳларда жинс фарқлари кузатилмади, барча гуруҳларда аёллар устунлик қилгани кўриниб турибди. Асосий ва қиёсий гуруҳлардаги беморларнинг ўртача ёши фарқ қилмади ва 61 [54,8 – 63,0] ва 62 [55,0 – 65,0] ёшни ташкил қилди.

Даволаш усулига кўра, асосий гуруҳ – 80 нафар бемор-тасодифий танлов орқали ташкил этилган, аммо жинси, ёши, анамнестик ва клиник-инструментал кўрсаткичлар бўйича тенг нисбатлар билан икки гуруҳга бўлинди; асосий даволаш бир хил эди, аммо уларда қўлланиладиган

комплекс терапия вариантлари бошқача эди. Биринчи кичик гуруҳда (n=30) венотоник терапия қўлланилди, иккинчи гуруҳда (n=30) анъанавий томир терапияси қўлланилди. Бундан ташқари, транскраниал магнит стимуляциянинг самарадорлигини баҳолаш учун қўшимча, учинчи кичик гуруҳ (n=20) танланди. Клиник баҳолаш қабул ва даволашдан сўнг 2 ой амалга оширилди. Биринчи ташрифда тўлиқ анамнестик, умумий соматик, клиник неврологик, нейропсихологик, доплерографик ва невровизуал текширувлари ўтказилди. Қайта кўрик давомида клиник неврологик, нейропсихологик ва доплер текшируви ўтказилди.

Қўшимча неврологик тадқиқотлар: *вертебро-базиляр етишмовчилик шкалалари* (Hoffenberth, 1990). Усул миянинг энса қисми бўлаклари ва ўзакнинг функциялари тушишини кўрсатувчи объектив неврологик симптомлар ва субъектив шикоятларни аниқлашга мўлжалланган. Бош оғриғининг оғирлигини баҳолаш учун ВАШ *визуал аналог шкала* ишлатилган (Hawker G.A., 2011).

Нейропсихологик тадқиқотлар: астеник синдромнинг оғир-енгиллигини, диагностика қилиш учун *Ташвиш ва депрессиянинг госпитал шкаласи* (Zigmond A.S., 1983), *Астеник ҳолатнинг шкаласи* ШАС (Л.Д. Малкова, Т.Г. Чертова (MMPI асосида)) ишлатилган. Когнитив бузилишни ташхислаш учун, *MMSE руҳий ҳолатни баҳолашни қисқа шкаласи* ишлатилган (Folstein M.F., 1975).

Кўз тубини текшириш офталмоскоп ёрдамида кенгайтирилган қорачиқда амалга оширилди ва артерия ҳамда веналар (одатда 2:3) кесишиш нисбати томирлар ҳолатини аниқлаш учун мис ва кумуш сим кесишиши ва Салюс-Гунн белгилари борлигини аниқлашга имкон берди.

Бош ва бўйин артериялари ва веналари томирларини ўрганиш VFX (5-13 МГц) датчikli “Siemens Acuson Antares”да (АҚШ) сдандарт усул билан амалга оширилди (Никитин Ю.М., 1987,1995, Лелюк В.Г., Лелюк С.Э., 1999).

MPT 1.5 тесла бир майдон куч билан супер ўтказувчи магнит тизими билан жиҳозланган GEM Optima MR450w аппаратида амалга оширилди. Томограммалар T2, T1, FLAIR ва DWI дастурлари ёрдамида аксиал, сагиттал ва коронар проекцияларда стандарт усул бўйича олинган. Статистик таҳлил StatTech v. 2.4.1 дастури (“Статтех” МЧЖ, Россия томонидан ишлаб чиқилган) ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациясининг **“Веноз қон айланишининг бузилишида вертебро-базиляр етишмовчиликнинг клиник кечишини хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида вертебро-базиляр етишмовчилик билан оғриган беморларда анамнестик, клиник ва неврологик, нейропсихологик, невровизуал ва гемодинамик хусусиятларини қиёсий баҳолаш мия веноз қон айланишининг бузилиши белгилари мавжудлигига ёки йўқлигига қараб амалга оширилади.

Амбулатория ёзувларини таҳлил қилиш ва биргаликда касалликлар ва хавф омиллари бўйича анамнестик маълумотларни тўплашда ГК, ЦАС, ЮИК иккала гуруҳда ҳам бир хил тарқалганлиги ва ОВБК ва СОЎК асосий гуруҳда сезиларли даражада кенг тарқалганлиги аниқланди (p<0,05).

Жадвал 3

Йўлдош касалликлар ва хавф омиллари

Туркумлар	Группа пациентов		P
	Асосий гуруҳ n (%)	Солиштириш гуруҳи n (%)	
Гипертония касаллиги	72 (90,0)	37 (92,5)	0,750
Мия атеросклерози	70 (87,5)	39 (97,5)	0,097
ЮИК	44 (55,0)	18 (45,0)	0,301
Остеохондроз	69 (86,2)	35 (87,5)	0,849
Қандли диабет	15 (18,8)	3 (7,5)	0,104
ОВВКК	41 (51,2)	10 (25,0)	0,006*
СОЎК	28 (35)	3 (7,5)	0,001*

Изоҳ: *- гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончилиги ($p < 0,05$)

Одамнинг субъектив ҳолатининг гипоксияга юқори сезгирлиги туфайли беморлар шикоятларининг тавсифи катта аҳамиятга эга (4-жадвал). Вертебро-базилар етишмовчиликда дискоординатор шикоятлар биринчи ўринга чиқади.

Жадвал 4

Текширилган беморларнинг асосий шикоятлари

Туркумлар	Беморлар гуруҳи		P
	Асосий гуруҳ n (%)	Солиштириш гуруҳи n (%)	
Дискоординатор шикоятлар			
Бош айланиши	76 (95,0)	36 (90,0)	0,438
Қулоқ ва бошдаги шовқин	62 (77,5)	24 (60,0)	0,045*
Мувофиқлаштиришнинг бузилиши	58 (72,5)	27 (67,5)	0,570
«Веноз» шикоятлар			
Бош оғриқлари	80 (100,0)	33 (82,5)	<0,001*
Бошдаги оғирлик	51 (63,7)	14 (35,0)	<0,003*
Эрталаб юзнинг шишиши	63 (78,8)	10 (25,0)	<0,001*
“Кўздаги қум” симптоми	46 (57,5)	6 (15,0)	<0,001*
“Баланд ёстик” аломати	56 (70,0)	7 (17,5)	<0,001*
Лабларнинг маҳаллий кўкариши	36 (45,0)	4 (10,0)	<0,001*
БВШ шиши	47 (58,8)	6 (15,0)	<0,001*

Изоҳ: *- гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончилиги ($p < 0,05$)

Асосий гуруҳда бош айланиши 95%, таққослаш гуруҳида эса 90% беморларда кузатилди. Биз томонидан текширилган беморларнинг ярмидан кўпи (асосий ва қиёсий гуруҳларда 77,5% ва 60%) қулоқлар ва бошдаги шовқиндан шикоят қилди ва уни қулоқлардаги ҳуштак ва ғувуллаш, қулоқлар ичидаги босим, қулоқларнинг битиб қолиши ҳисси деб таърифлади.

Бош оғриғи частота ва аҳамияти жиҳатидан энг кенг тарқалган шикоятлардан бири эди. У 94,7% беморларда аниқланган. Беморларнинг асосий гуруҳида бош оғриғи тез-тез куннинг биринчи ярмида юзага келди ва кўпинча бошда оғирлик билан бирга кечди. Интенсивлиги

ортиши билан бош оғриғи бузилиб, диффуз, доимий характерга эга бўлди. Шу билан бирга, таққослаш гуруҳида энса соҳасида жойлашган эди.

Ҳар икки гуруҳ беморлар томонидан тасвирланган оғриқ табиати ҳам фарқ қиларди. Асосий гуруҳда беморлар кўпроқ бош ичидаги оғриқни, таққослаш гуруҳида эса бошни сиқувчи оғриқни тасвирлашган.

Жадвал 5

Бош оғриғини ВАШ шкаласи бўйича баҳолаш

	Me	Q ₁ – Q ₃	n	P
Асосий гуруҳ	5,0	4,75 – 6,0	80	<0,001*
Таққослаш гуруҳи	4,0	3,0 – 5,0	33	

Изоҳ: *- гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончлилиги (p<0,05)

Кўриб турганимиздек, ВАШ шкаласи бўйича цефалгик синдромининг оғирлиги (жадвал 5) асосий гуруҳда анча юқори бўлди. Асосий гуруҳга тегишли хусусият шундаки, биз текширган 78,8% беморларнинг бош оғриғига эрталабки юз шишиши, 57,5% “кўздаги қум” симптоми, 70% беморларда “баланд ёстик” симптоми каби кўшимча хусусиятли “веноз” шикоятлар кўшилди. Бу шикоятлар беморларни кўпинча куннинг биринчи ярмида безовта қилди ва кечкурун камайди.

Маълумки, ВЭда энг кўп тарқалган синдромлардан бири астеник синдром бўлиб, тадқиқотимизнинг деярли барча беморларида учради.

Хавотир-депрессив синдромни ўрганиш учун шикоятларни баҳолашдан ташқари, хавотир ва депрессиянинг шифохона шкаласидан (жадвал 6) ва астеник ҳолат шкаласидан ҳам фойдаланилди.

Жадвал 6

HADS шкаласи бўйича астеник синдромни баҳолаш

	Me	Q ₁ – Q ₃	n	P
HADS (хавотир)				
Асосий гуруҳ	10,0	9,0 – 10,0	80	0,079
Таққослаш гуруҳи	10,0	9,0 – 11,0	40	
HADS (депрессия)				
Асосий гуруҳ	7,0	6,0 – 9,0	80	<0,001*
Таққослаш гуруҳи	6,0	5,0 – 8,0	40	
HADS (умумий балл)				
Асосий гуруҳ	17,0*	15,0 – 19,0	80	0,031*
Таққослаш гуруҳи	16,0	15,0 – 17,0	40	

Изоҳ: *- гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончлилиги (p<0,05)

Жадвалдан, биз текширган беморларнинг ҳар иккала гуруҳида ҳам психо-эмоционал ҳолатда сезиларли ўзгаришлар юз берганлиги кўриниб турибди. HADS шкаласи ёрдамида астенизацияни баҳолашда асосий гуруҳда депрессив бузилишлар устунлигини, таққослаш гуруҳида эса, аксинча, хавотирли бузилишлар устунлиги кўплигига эътибор қаратдик.

Венос энцефалопатияда ўчоқли неврологик белгилар беқарор хусусиятга эга ва асосан оғир касалликларда аниқланади. Клиник ва неврологик

текширув давомида деярли барча беморларда миянинг тарқалган шикастланишига хос майда ўчоқли белгилар бор эди (7-жадвал).

Бироқ дискоординация ва вестибуло-мияча синдромлари биринчи ўринга чиқди. Кўриш, эшитиш ва когнитив бузилишлари камроқ учради.

Иккала гуруҳдаги ўчоқ аломатларни таққослаб, Ромберг холатида энг кенг тарқалган мияча-дискоординация бузилиши, асосий гуруҳда энгил устунлик, мувофиқлаштириш тестларининг бузилиши ва асосий гуруҳда статик энгил устунлик билан юриш шаклида эканлигини аниқладик. Асосий гуруҳда кўпроқ конвергенция акти заифлашуви ҳамда нистагм учради. Асосий гуруҳ беморларида уч шохли нервнинг I шохли чиқиш жойида оғрик кенг тарқалган.

Жадвал 7

Ўчоқли неврологик белгилар

Туркумлар	Беморлар гуруҳи		P
	Асосий гуруҳ n (%)	Таққослаш гуруҳи n (%)	
Диплопия	22 (27,5)	5 (12,5)	0,064
Нистагм	51 (63,7)	22 (55,0)	0,355
Конвергенция актининг заифлашуви	49 (61,3)	17 (42,5)	0,05*
Валле нукталарининг оғриклиги	35 (43,8)	5 (12,5)	<0,001*
МФ 7 БМН	62 (77,5)	32 (80,0)	0,754
МФ 12 БМН	46 (57,5)	24 (60,0)	0,793
Рефлексларнинг бузилиши	67 (83,8)	35 (87,5)	0,588
Патологик оёқ белгилари	20 (25,0)	7 (17,5)	0,354
Оғиз автоматизми рефлекслари	51 (63,7)	22 (55,0)	0,355
ББС бузилиши	63 (78,8)	27 (67,5)	0,180
ТТС бузилиши	26 (32,5)	10 (25,0)	0,398
Юриш бузилиши	59 (73,8)	27 (67,5)	0,474
Ромберг холати	79 (98,8)	37 (92,5)	0,107

Изоҳ: *- гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончлилиги ($p < 0,05$)

ВБЕ белгиларининг сифат жиҳатдан ифодаланганлигини аниқлаш, вертебро-базилар етишмовчиликни баҳолаш учун махсус шкала ишлатилган (8-жадвал).

Жадвал 8

Hoffenberth шкаласи бўйича баҳолаш

	Me	Q ₁ – Q ₃	n	P
Объектив симптомлар				
Асосий гуруҳ	5,5	5,0 – 6,0	80	0,034*
Таққослаш гуруҳи	4,5	3,0 – 6,0	40	
Субъектив симптомлар				
Асосий гуруҳ	8,0	7,0 – 9,0	80	0,001*
Таққослаш гуруҳи	7,0	6,0 – 8,0	40	
Умумий бал				
Асосий гуруҳ	13,0	12,0 – 15,0	80	0,001*
Таққослаш гуруҳи	12,0	10,0 – 14,0	40	

Изоҳ: *- гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончлилиги ($p < 0,05$)

Шкала гуруҳлараро фарқларнинг айрим хусусиятларини аниқлади. Жадвалда кўрсатилишича, асосий гуруҳ аломатларининг умумий йиғиндиси қиёсий кўрсаткичга нисбатан статистик жиҳатдан катта бўлган. Обьектив ва субъектив белгиларнинг ўртача кўрсаткичи асосий гуруҳда сезиларли даражада юқори бўлди, бу ВВЕ билан оғриган беморларда мия веноз етишмовчилик белгиларисиз ва мия веноз дисгемияси мавжудлиги билан боғлиқ шикоятларнинг ўхшашлигини кўрсатади, объектив ҳолати оғирроқ.

Ўтказилган офталмологик тадқиқотлар (9-жадвал) асосий гуруҳдаги беморларнинг 70% даврий кўриш бузилишлардан шикоят қилганини аниқлади. Таққослаш гуруҳида кўришда нуқсонли бўлган беморлар сони кам бўлиб, 42,5% ни ташкил этди. Кўпинча бу кўз олди хиралашиши ёки лойқаланиш ҳисси (53,8%), диплопия (27,5%), кўриш ўткирлиги пасайиши ва фотопсияларнинг (18,8%) билан намоён бўлган.

Жадвал 9

Кўриш бузилишлари

Туркумлар	Беморлар гуруҳи		P
	Асосий гуруҳ n (%)	Таққослаш гуруҳи n (%)	
Кўриш бузилишлари	52 (65,0)	19 (47,5)	0,066
Объектни кўзда иккита кўриниши	22 (27,5)	5 (12,5)	0,064
Кўз олдида хиралашиш ҳисси	40 (50,0)	12 (30,0)	0,037
Кўз олдида учқунлар ҳисси	15 (18,8)	4 (10,0)	0,216
Тўр парда томирлари ангиопатияси	45 (56,2)	14 (35,0)	0,028
Ангиосклероз	38 (47,5)	19 (47,5)	
Салюса-Гунна симптоми	41 (51,3)	12 (30,0)	0,027

Изоҳ: *- гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончлилиги ($p < 0,05$)

Офталмоскопик текширув давомида барча беморларда турли хусусиятли ўзгаришлар аниқланди. Тўр парда қон томирлар ангиопатияси асосий гуруҳда (56,2%) кенг тарқалган, таққослаш гуруҳида эса беморларнинг фақат 35%да бу касаллик белгилари учради. Ангиосклероз иккала гуруҳда ҳам бир хил частотада учради. Таъкидлаш жоизки, Салюс-Гунн симптоми асосий гуруҳда (51,3%) қиёсий гуруҳга (30%) нисбатан кўпроқ тарқалган. I даражадаги артерио-веноз кесишишлар II даражадаги кесишишларга нисбатан анча кенг тарқалган. Асосий гуруҳдаги 2 нафар беморда III даражали артерио-веноз кесишма аниқланди.

Диссертациясининг **“Вертебро-базилляр етишмовчилик ва мия веноз қон айланишининг бузилиши билан оғриган беморларнинг нейрофизиологик хусусиятлари”** деб номлаган тўртинчи бобида инструментал тадқиқотлар маълумотлари таҳлили берилган. Биз кузатган беморларнинг гуруҳларида мия гемодинамикасини ўрганиш учун мия қон айланиш тизимининг ултратовуш текшируви ўтказилди. Томирларнинг ҳолатини баҳолаш учун БЦСни дуплексли сканерлаш, транскраниал доплерография усули каби усуллардан фойдаланилди. Артериал ва веноз мия қон оқимининг хусусиятлари, функционал ва тузилиш жиҳатдан

хусусиятлари очиб берилди. Артериал тизимни ултратовуш текширувида чизиқли (ўртача) қон оқими тезлиги, қаршилиқ индекси (RI), пулсативлик индекси (PI) каби параметрларга эътибор қаратилди.

Жадвал 10

Умуртқа артериясини доплерографик хусусиятлари

	Me	Q ₁ – Q ₃	n	P
УА ТАМХ				
Асосий гуруҳ	17,5	16,0 – 18,6	80	0,144
Таққослаш гуруҳи	18,0	16,5 – 20,0	40	
УА резистентлик индекси				
Асосий гуруҳ	0,73	0,71 – 0,82	80	0,003*
Таққослаш гуруҳи	0,76	0,72 – 0,80	40	

Изоҳ: *- гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончлилиги (p<0,05)

Умуртқа артериясининг тезлик параметрларини баҳолашда (жадвал 10) асосий гуруҳда (p <0,05) устунлик қилган беморларнинг 71,1% да ассиметрик қон оқимини аниқладик. Асосий ва қиёсий гуруҳларнинг ўртача қон оқими даражаси бир-бири билан статистик жиҳатдан муҳим фарқ қилмади. Қаршилиқлар индекси таққослаш гуруҳида асосийга нисбатан юқори бўлди.

Бош мия веноз системасини ўрганишда бу веналарда пулсативлик индекси, диаметри ва қон оқимининг максимал тезлиги баҳоланди (жадвал 11).

Жадвал 11

Веноз тизимнинг доплерографик хусусиятлари

	Me	Q ₁ – Q ₃	n	P
ИБВ диаметри (мм)				
Асосий гуруҳ	18,9	17,5 – 21,4	80	<0,001*
Таққослаш гуруҳи	11,95	10,8 – 13,5	40	
ИБВ V _{max} (см/с)				
Асосий гуруҳ	16,5	15,5 – 17,6	80	<0,001*
Таққослаш гуруҳи	19,0	16,4 – 21,6	40	
Базал вена уришининг индекси (ш.б.)				
Асосий гуруҳ	0,24	0,21 – 0,26	52	<0,001*
Таққослаш гуруҳи	0,39	0,36 – 0,4	10	
Базал вена V _{max} (см/с)				
Асосий гуруҳ	24,5	20,4 – 29,5	52	0,002*
Таққослаш гуруҳи	17,8	17,5 – 24,0	10	
ПВ диаметри (мм)				
Асосий гуруҳ	3,8	3,3 – 4,3	47	<0,001*
Таққослаш гуруҳи	2,1	1,9 – 2,3	10	
ПВ V _{max} (см/с)				
Асосий гуруҳ	30	26 – 32	47	<0,001*
Таққослаш гуруҳи	23	22 – 24	10	

Изоҳ: *- гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончлилиги (p<0,05)

Ички бўйинтуруқ венасини ултратовуш текшириш пайтида, асосий гуруҳ учун шунингдек, бу беморларда веноз тиқилиши мавжудлигини кўрсатадиган ҳолат, ички бўйин венаси диаметрини 19 ммгача ўсиши

бўлди, таққослаш гуруҳида эса бу кўрсаткич 12 мм эди. Асосий гуруҳдаги беморларда ички бўйинтуруқ венаси ҚЧТси таққослаш гуруҳига нисбатан анча паст эди. Розенталнинг базал венаси (жадвал 11) жуда ўзгарувчан анатомик тузилишга эга ва унинг ўрнини аниқлаш қийин. Тадқиқот давомида 51,1% беморларда Розентал венаси аниқланди. Асосий гуруҳда ҚЧТ таққослаш гуруҳига нисбатан 24,5 см/с гача сезиларли ўсиш кузатилди.

Пулсативлик индексини ўрганишда унинг асосий гуруҳда анча паст эканлигини аниқладик ва 0,4 ни, таққослаш гуруҳида эса пулсативлик индекси 0,39 шартли бирликка тенг бўлди.

Допплерография пайтида 47,8% беморларда умуртқа венаси аниқланди. Асосий гуруҳда бу кўрсаткич 60% ни, таққослаш гуруҳида эса 23,3% ни ташкил этди. Асосий гуруҳда ПВ ҚЧТнинг 30 см/с га ўсиши кузатилди, қиёсий гуруҳда эса бу кўрсаткич 23 см/с га тенг бўлди. Биз томонимиздан ўрганилган гуруҳларда ПВ диаметри фарқ қилиб, асосий гуруҳда ўртача 3,8 мм гача устунликка эга бўлди, таққослаш гуруҳида эса унинг диаметри мос равишда 2,1 ммни ташкил этди (12-жадвал).

